



*Fidoyilik –
Vatanga xizmat demak!*

Zarafshon

1913-yil aprel oyidan chiqa boshlagan

zarafshonbot



Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг

2021-yil 25-avgust, chorshanba, 93 (23.529)-son

Кун ҳикмати

Раҳбарим менга
иш буюрди,
деб хурсанд
бўлманг. Сиз ўз
зиммангиздаги
ишни
уддаламаганингиз
учун у шундай йўл
тутган.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ЭРКИН ВА ФАРОВОН ЯШАЙЛИК!

7-Самарқанд округ сайлов комиссиясининг ҚАРОРИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи сайлов участкаларини тузиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодексининг 10, 22-моддаларига асосан Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 7-Самарқанд округ сайлов комиссияси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

- Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 7-Самарқанд сайлов округи ҳудуди бўйича сайлов участкаларининг жойлашуви юзасидан 2 та шаҳар ва 14 та туман ҳокимларининг тақдимномалари маълумот учун қабул қилинсин.
- Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 7-Самарқанд сайлов округи ҳудудида шаҳар ва туманлар тақдимномаларига биноан сайлов участкалари тузилсин (сайлов участкалари рўйхати илова қилинади).
- Ушбу қарор матбуотда эълон қилинсин.

Комиссия раиси

Ф.ТОШЕВ.

2021 йил 24 август №6

(Сайлов участкалари рўйхати туман, шаҳар газеталари, Zarnews.uz сайти ва бошқа манбаларда эълон қилинади)

Сайлов участкалари тузилди

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 7-Самарқанд округ сайлов комиссиясининг 24 август куни ўтказилган навбатдаги йиғилишида округ ҳудудида сайлов участкаларини тузиш тўғрисидаги масала кўриб чиқилди.

Сайлов кодексининг 10-моддасида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказиш бўйича сайлов участкалари туманлар ва шаҳарлар ҳокимликларининг тақдимномасига биноан округ сайлов комиссиялари томонидан тузилиши белгиланган.

Сайловчиларга мумкин қадар кўпроқ қулайлик яратиш мақсадида сайлов участкалари туманларнинг, шаҳарларнинг, шаҳарлардаги туманларнинг чегаралари инobatга олинган ҳолда тузилади.

Участкалар ҳарбий қисмларда ҳам тузилади ва қисмлар жойлашган ердаги округларга киради.

ликлари, ҳарбий қисмлар командирлари тақдимномаси асосида округ бўйича 1111 та сайлов участкаси тузиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Шунингдек, мажлисда округ матбуот маркази ҳам ташкил қилинди.

Йиғилишдан сўнг ўтказилган брифингда 7-Самарқанд округ сайлов комиссияси раиси Ф.Тошев комиссия фаолияти ва бугун ўтказилган йиғилишда муҳокама қилинган масалалар ҳақида маълумот берди.

– Туман ва шаҳарлар ҳокимликлари, ҳарбий қисмлар командирлари тақдимномаси асосида округ бўйича 1111 та сайлов участкаси тузиш тўғрисида қарор қабул



Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа ваколатхоналари ҳузурида, санаторийларда, дам олиш уйларида, касалхоналарда ва бошқа стационар даволаш муассасаларида, олис ва бориш қийин бўлган ҳудудлардаги фуқаролар турган жойларда, қамоқда сақлаш ва озодликдан маҳрум этиш жойларида сайлов участкалари тузилиши мумкин.

Сайлов участкалари сайловга камида олтиш кун қолганида, қоида тариқасида, сайловчилар сони камида йигирма нафардан ва кўпи билан уч минг нафардан ошмаган ҳолда тузилади.

Ҳарбий қисмларда, Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа ваколатхоналари ҳузурида, шунингдек, олис ва бориш қийин бўлган ҳудудлардаги фуқаролар турган жойларда, қамоқда сақлаш ва озодликдан маҳрум этиш жойларида сайлов участкалари ана шу муддатда, айрим ҳолларда эса сайловга камида етти кун қолганда тузилади.

Мажлисда туман ва шаҳарлар ҳоким-

қилдик, – деди Ф.Тошев. – Энг кўп – 175 та сайлов участкаси Самарқанд шаҳрида бўлса, энг ками Каттакўрғон шаҳрида – 33 та. Шунингдек, Ургут туманида 126 та, Паст Дарғомда 90 та, Каттакўрғон туманида 87 та сайлов участкаси тузилди.

Ҳарбий қисмларда тузилган сайлов участкалари 7 та. Тиббиёт муассасалари, касалхоналар ва бошқа стационар даволаш муассасаларида 37 та, қамоқда сақлаш жойларида (тергов ҳибсхоналари) 1 та, озодликдан маҳрум этиш жойларида 1 та, ҳарбий билим юртлари ва ички ишлар, миллий гвардия, фавқулодда вазиятлар, мудофаа бўлимлари каби муассасаларда 3 та участка ташкил этилди.

Сайлов участкалари тартиб рақами, жойлашган ери ва овоз бериш биноси, телефон рақамлари кўрсатилган ҳолда маҳаллий матбуотда эълон қилинади.

Матбуот анжумани давомида округ сайлов комиссияси раиси ва аъзолари оммавий ахборот воситалари вакилларини қизиқтирган саволларга жавоб берди.



Ҳар куни бўлмаса-да, орада гўшт нархи қиммат эканлиги ҳақида эшитамиз. Аслида гўштининг қимматлиги чорва озукасининг тақчиллиги ва нархи юқорилиги билан боғлиқ. Чунки чорва озукаси учун хомашё импорт қилинади ва чорва озукаси ишлаб чиқарувчи

корхоналар юртимизда бармоқ билан санарли.

Булунғур туманида “Булунғур Экспорт-импорт” масъулияти чекланган жамияти томонидан чорва, парранда учун 7 турдаги озукка ем ишлаб чиқариш корхонаси ишга туширилди. Қиймати 15

миллиард сўмга тенг бўлган корхонада 40 нафар ишчи меҳнат қилиб, кунига 120 тонна маҳсулот тайёрлайди. Тайёр маҳсулот ҳозирда асосан ички бозорга сотилади, кейинчалик қўшни давлатга ҳам экспорт қилиш режалаштирилган.

Бахтиёр МУСТАНОВ олган суратлар.

Янги ўқув йилида вилоятдаги мактаблар сони 1260 тадан ошади

Бу ҳақда вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи Зебинисо Шодиева 2021/2022 ўқув йили олтидан ўтказилган Август кенгаши ялпи йиғилишида маълум қилди.

2021 йилда инвестиция дастури бўйича 39 та мактабда (2 та янги қурилиш, 19 та реконструкция, 18 та капитал таъмирлаш учун) 163,3 миллиард сўмлик қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилмоқда. “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари доирасида 27 та мактабда (2 та янги, 13 та реконструкция, 12 та капитал таъмирлаш учун) 49,7 миллиард сўмлик қурилиш-таъмирлаш ишлари якунланмоқда.

Бундан ташқари, вилоятдаги 31 та умумтаълим мактабида ҳамда Қўшработ туманидаги 26 та мактаб филиалларида қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб борилиши учун 108 миллиард сўм қўшимча маблағ ажратилди.

Вилоятимиз 2019 йилги республика миллий рейтингда 13-ўринда қайд этилган эди. Мақсадли ва натижадорликка қаратилган аниқ чора-тадбирлар натижасида вилоятимиз 2020 йилда тўрт поғона юқорилаб, республикада 9-ўринни эгаллади, – деди З.Шодиева. – Бирок тизимда фаолият олиб бораётган юқори малака тоифали ўқитувчилар кўрсаткичи билан мактабим бўлмасди. Бугунги кунга келиб, 56370 нафар ўқитувчининг 1875 нафари олий тоифали, 1133 нафари биринчи тоифали, 13645 нафари иккинчи тоифали ўқитувчилардан иборат бўлиб, ўтган уч йил давомида ўқитувчиларнинг сифат таркиби 16,1 фоизни ташкил этди.

Шунингдек, олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда вилоятдаги умумий ўрта таълим мактабларида таълим сифатини ошириш, битирувчиларни олий ўқув юртларига кириш кўрсаткичини янада ошириш юзасидан “Самарқанд тажрибаси”ни амалга ошириш механизми ишлаб чиқилди.

Жумладан, Ургут ва Паст Дарғом туманларидаги 70 та мактабга, бошқа туман ва шаҳарларга вилоятдаги олий

таълим муассасаларининг тажрибали профессор-ўқитувчилари бириктирилиб, 11-синф битирувчиларини олий таълим муассасаларига ўқишга киришга методик ёрдам кўрсатиш ишлари йўлга қўйилди.

Жорий йилнинг 3-4 август кунлари Андижон, Наманган, Фарғона вилоятларидан Каттакўрғон, Қўшработ ва Нуробод туманларидаги олис ва таълим сифати юқори бўлмаган умумий ўрта таълим мактабларига 51 нафар олий ҳамда биринчи тоифали ўқитувчилар ишга олинди.

Шунингдек, Бухоро ва Навоий вилоятларидан 14 нафар олий, биринчи ҳамда иккинчи тоифали ўқитувчилар билан меҳнат шартномаси имзоланди.

Вилоятимизда жисмоний ёки руҳий ривожланишида нуқсонли бўлганлиги сабабли, уй шароитида яқка тартибда таълим олувчи 1600 нафар болага моддий ва маънавий ёрдамлар кўрсатилди. Жумладан, 9 нафар ўйда яқка тартибда таълим олувчи қўлувчи ногиронлик аравачалари, 3 нафарига ноутбук, 2 нафарига тикув машинаси берилди.

Бундан ташқари, 2020-2021 ўқув йилида вилоятимиздаги умумтаълим мактабларини 645 баҳолар билан қабулланган жами 640 нафар ўқувчининг 571 нафари олтин ва 74 нафари кумуш медаллар билан тақдирланди. 247 нафардан зиёд 11-синф битирувчилари муддатидан олдин, баъзилари имтиёзли равишда республикамиздаги ва хорижий нуфузли олий таълим муассасаларининг талабалари бўлишди. Улар орасида дунёдаги машҳур Гарвард ва Оксфорд университетлари талабалари бўлиш бахтига муассар бўлганлар ҳам бор.

Бу йилги Август кенгаши онлайн тарзда бўлиб ўтди. Унда йил давомида эришилган ютуқлар ва келгусидаги режалар ҳақида келишиб олинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод, Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод, маҳаллий Кенгашлар депутатлигига номзод кўрсатиш ҳуқуқига сиёсий партиялар эгадир.

(Сайлов кодекси, 37-модда)



««« Муносабат »»»»

Тадбиркор – бугуннинг қаҳрамони

Тадбиркорлик муҳити тараққиётнинг пойдевори ҳисобланади. Жамият тажрибаси фақат ана шу йўналишда иш тутган давлатгина фаровонлик сари интила олишини кўрсатди.

Зеро, бозор иқтисодиёти энг аввало маҳсулот ишлаб чиқарувчиларнинг эркин рақобати ва турли мулк шаклларига асосланади. Бу жараён адолатли қонунлар асосида юзага келади. Шунинг учун ҳам давлатимиз раҳбари мамлакатда тадбиркорликни ривожлантириш энг асосий иш эканлигини таъкидлаб, кейинги 4-5 йил ичида инқилобий ўзгаришлар қилишга эришди.

Мен энг аввало тадбиркорлик субъектларининг турли текшириш ва таъйинлардан ҳимоя қилинганини, пандемия шароитида тадбиркорлар қўллаб-қувватланганини ва умуман, бу соҳага кирмоқчи бўлганларга имкониятлар яратилаётганини назарда тутяман. Натижа эса кутганимиздан ҳам зиёда бўлмоқда. Тадбиркорларнинг замонавий сулоласи шаклланди. Улар Президент ва ҳукумат олдида Ўзбекистон иқтисодиётини дунёга олиб чиқишга қурби етадиган тақлифлар, лойиҳаларни қўймоқдалар.

Ш.Мирзиёевнинг тадбиркорлар билан очик мулоқоти бугунги Ўзбекистон давлати сиёсатининг ойнасидир, десам хато қилмайман. Кекса иқтисодчи сифатида бундай таҳлилларга эга бўлиш унинг ҳисоб-китобини пухта олиш нечоғлиқ мураккаб эканлигини яхши биламан. Давлат раҳбарининг тақлифлари ишбилармонлар томонидан қўллаб-қувватланганлиги бу борадаги ютуқларимизга йўл очади.

Тадбиркорликни ривожлантириш ҳамма даврда, ҳамма давлатларнинг катта режаси бўлган. Фақат иш оқил ва манфаатли ташкил этилгандагина у ўз самарасини берган. Шу ўринда қўнғимдаги бир армонимни айтиб ўтмоқчиман.

1991 йил 15 февралда ЎзССР Олий Советининг XII чақириқ 4-сессиясида «ЎзССРда Тадбиркорлик тўғрисида»ги қонун қабул қилинди. Ўшанда мен Олий Совет депутати эдим. Қонунда тадбиркорликка «Тадбиркорлик мулкчилик субъектларининг фойда олиш мақсадида таваккал қилиб ва мулкчи жавоб-

гарлиги асосида, амалдаги қонунлар доирасида ташаббус билан иқтисодий фаолият кўрсатишдир» деб таъриф берилган.

Қонун қабул қилингандан сўнг тадбиркорлар ишини марказлаштирувчи ташкилот тузиш керак эди. Шу мақсадда 1991 йил 6 июлда Тошкентда тадбиркорлар вакил-лари уюшмасининг таъсис съезди чақирилди. Тадбиркорлар уюшмаси тузилди. Унинг биринчи президенти бўлиш менга nasib этди.

Минг афсуски, у пайтда бундай ташкилотнинг ишлаши учун сиёсий жиҳатдан ҳам, иқтисодий жиҳатдан ҳам шароит йўқ эди. Хусусий мулкчилик шаклланмаган, хорижий ҳамкор корхоналар бор-йўғи икки-та бўлиб, уларнинг бири пластик материаллардан буюмлар чиқарса, иккинчиси электр чойнак чиқарарди, холос. Одамлар тадбиркорлик қилишдан чўчир эди. Тадбиркор ўз маҳсулотини сотиш учун минглаб тўсиқларга дуч келарди.

Шунинг учун ҳам Президентимиз 20 августни Тадбиркорлар куни деб эълон қилганида, тўғриси, ич-ичимдан қувондим. Кўп йиллик армонларим юзага чиққанидан ғурурландим.

Бутун дунё давлат раҳбарининг тадбиркорликка муносабатини эътироф этмоқда ва Ўзбекистон билан ҳамкорликка интилмоқда. Ҳатто олис қишлоқларда, маҳаллаларда кичик саноат зоналарининг пайдо бўлаётганлиги ҳақиқатан ҳам Ўзбекистон тадбиркор учун чинакам имкониятлар ўлкаси бўлаётганлигини кўрсатиб турибди. Мен иқтисодчи-олим сифатида бу ютуқ билан нафақат тадбиркорларни, халқимизни ҳам чин қўнғимдан табриқлайман. Чунки бу йўл юртдошларимизни дунё билан бўйлашадиган фаровон турмуш сари олиб боришига ишонаман.

**Эркин Хўжаев,
Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтини профессори,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган иқтисодчи.**

“Миллий тикланиш” демократик партияси Президентлик сайловларида

ўз ғояларини амалга ошириш учун курашади

ЎЗМТДП вилоят кенгаши раиси Акбар АХТАМОВ билан суҳбат:
- **Партия вилоят Кенгаши ва унинг ҳудудий бўлимлари томонидан октябрь ойида бўлиб ўтадиган Президент сайловларида қандай тайёргарлик кўрилмоқда?**

- Бошқа сиёсий партиялар қатори “Миллий тикланиш” демократик партияси ҳам Президент сайловида ғалаба қозониш, ўз номзоди орқали давлат бошқарувидаги мавқеини янада мустаҳкамлаш борасида иш олиб борапти. Бунинг учун биринчи навбатда давлатимиз ва халқимиз манфаатларини ҳимоя қила оладиган, мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга қодир бўлган ҳар жиҳатдан етук шахсни номзод сифатида танладик.

Алишер Қодиров партия президентлик сайловларида ўз ғояларини амалга ошириш учун курашади, деган қатъий фикрни билдирди. Яъни, ҳақиқатан ҳам соғлом рақобат муҳитидаги курашни партия аллақачон бошлаб юборди.

– Вилоятда сайлов натижалари қандай бўлишини кутяйсизлар? Нимага асосланиб, шундай натижадан умид қилиняпти?

– Албатта, сайлов жараёнида қатнашаётган ҳар бир сиёсий партия юқори натижа қайд этишини ва кўрсатилган номзоди ғолиб бўлишини хоҳлайди. Шу нуқтаи назардан “Миллий тикланиш” демократик партияси ҳам Президент сайловида кизгин тайёргарлик кўрмоқда ва катта ишонч билан яхши натижага умид қияпти.



Чунки партиянинг халққа янада яқин бўлиш, уларнинг дард-у тавшишларини ўрганиш, муаммоларига ечим топиш борасида амалга ошириб келаётган “Депутат билан юзма-юз”, “Уйма-уй”, “Хизмат-беминнат” лойиҳалари жамиятдаги ўрнимизни оширишга хизмат қилмоқда.

Партия фаоллари ва депутатлари юртимизда, хусусан, вилоятимизда олиб борилаётган ўзгаришлар, янгиланишлар жараёнларида бевосита иштирокчи эмас, балки ташаббускор ва ижрочиға айланиб борапти. Шуларга асосланган ҳолда партиямиз сайловда яхши натижа кўрсатишига ва сайловчилар номзодимизни ақидиллик билан қўллаб-қувватлашига ишонамиз.

– Партиядан президентликка кўрсатилган номзод учун табиийки, вилоятда ҳам ишончли вакил сайланади. Бу вазифа ким(лар)га топширилиши режалаштирилган? Унинг қайси жиҳатлари сайловолди тарғиботида самара беради, деб ўйлайсиз?

- Сиёсий жараёнда номзоднинг му-

««« Интервью »»»»

вафқияти кўп жиҳатдан ишончли вакилга боғлиқ эканлигини инobatга олсак, албатта бу вазифага партиямиз фаолларидан бири, халқ орасида aloҳида ҳурмат ва эътиборга сазовор бўлган инсонни тавсия этамиз.

– Умуман, ЎЗМТДП дан кўрсатилган номзод сайловларда ғалаба қозонса, одамлар нимадан умид қилишлари мумкин?

- Партиямиздан кўрсатилган номзод сайловда ғалаба қозонса, албатта бор кучини ва билимини мамлакатимизни ривожлантириш, халқимиз турмуш фаровонлигини оширишга қаратади. Бу жараёнда амалга ошириб келаётган “Депутат билан юзма-юз”, “Уйма-уй”, “Хизмат-беминнат” лойиҳалари жамиятдаги ўрнимизни оширишга хизмат қилмоқда.

– Жорий йилнинг ўтган даврида партия депутатлик гуруҳи томонидан муайян масалалар ўрганилиб, вилоят Кенгаши сессиясига олиб чиқилдими?

- Жорий йилнинг ўтган даврида партия электорати манфаатларига доир 20 та таклиф доимий комиссияларда кўрилди. Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашлари сессиялари кун тартибига 8 та масала киритилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

Албатта, бу натижа кенгашларда 95 нафар депутатга эга партиямиз фаолларини қаноатлантирмайди. Демак, биз бу борадаги ишларимизни танқидий кўриб чиқиб, йўл қўйилган хато ва камчиликларни ўз вақтида тўғрилаб олишимиз лозим.

Ё.МАРҚАЕВ тайёрлади.

Партия съездига 17 нафар делегат сайланди

Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси вилоят кенгашининг VII конференцияси бўлиб ўтди.

Унда жорий йилнинг 24 октябрь куни бўладиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик ва унда муносиб иштирок этиш, партия VII съездига Самарқанддан делегатлар сайлаш каби масалалар муҳокама қилинди.

Партия вилоят кенгаши раиси А.Ахтамов, депутатлар ва фаоллар бу галги Президент сайлови ҳар қачонгидан ўзгача, янги қонунчилик асосида ўтишини aloҳида таъкидлаб, “Миллий тикланиш” демократик партияси ҳам

унда муносиб қатнашишга тайёргарлик кўраётганини қайд этди.

Шу билан бирга, партия дастури ва ғояларини электорат ва кенг халқ оммаси ўртасида тарғиб этиш зарурлигига урғу берилди.

Конференцияда “Миллий тикланиш” демократик партиясининг навбатдаги съездига вилоятдан 17 нафар делегат тавсия этилди ва иштирокчилар томонидан маъқулланди.

Конференцияда Кенгаш аъзоларининг янги таркиби ҳам тасдиқланди.

Оқдарёдан “хазина” топилди

Оқдарё туманидаги Янгиравот-1 маҳалласида яшовчилар хонадонидан “қайнар хазина” топилди. Улар бу “хазина”дан бироз меҳнат эвазига ҳар йили каттагина даромад олишмоқда. Маҳалла раиси Исоқ Мавлоновнинг айтишича, бу ердаги 820 хонадоннинг 200 тасида иссиқхона ташкил этилган. Маҳалла аҳолиси бодринг ва картошка етиштиришни йўлга қўйиб, томорқасини “қайнар хазина”га айлантирган.

- Шу йилнинг ўзида 120 хонадонда иссиқхона ташкил этдик, - дейди И.Мавлонов. - Бунда асосан, “Темир дафтар”да турувчилар, ишсиз фуқаролар бандлигини таъминлашга эътибор қаратилди. Биргина Доум Саид кишлоғидан бир кунда 25 тоннагача бодринг сотилмоқда. Бу киш-

матов томорқасида 6 сотих ерда иссиқхона ташкил этиб, навбатлаб экин экади. Биринчи бодринг бозорга чиқаришга тайёр бўлса, бошқасида энди ғунча-



лоқда узумчилик ҳам анча ривожланиб, аҳолига яхшигина даромад келтирмоқда. Уларнинг тажрибаларини Жарбўта ва Ғалаба кишлоқлари аҳолиси ҳам ўрганиб, иссиқхоналар ташкил этмоқда.

Шу кишлоқда яшовчи Авазхон Раҳ-

лаб турибди.

- Бу йил томорқадаги 5 та иссиқхонадан 60-70 миллион сўм даромад қилдик, - дейди А.Раҳматов. - Кунора бозорда 800-900 килограмгача бодринг териб сотаямиз. Бу иш билан 10 йилдан буён

шўғулланаман ва бошқа кишлоқларда иссиқхоначиликни энди бошлаётганлар келиб маслаҳат сўрашади, қўлимдан келганча йўл кўрсатаман.

Авазхон aka иссиқхонадан ташқари узум ҳам етиштириб, бозорга чиқаради. Чорва ва парранда боқади.

Чорвоқтепа кишлоғида яшовчи Ибодулла Сатторов ҳам хонадонидан икки сотихли иссиқхона ташкил этиб, бодринг етиштиришни бошлабди. Ўтган йили 4-сектор кўмаги билан банкдан олинган 8 миллион сўм кредит ҳисобидан бунёд этган иссиқхонадан бир йилда даромад олишга ҳам эришибди.

- Бодрингни уйимиздан сотаямиз, - дейди И.Сатторов. - Даромади яхши экан. Шу боис, томорқамизда 1,5 сотихли иссиқхона кўрмоқчимиз.

Ҳалол меҳнат мўл ризқ келтиради. Янгиравотликлар ҳам шу ҳалол меҳнати билан хазина топиб, бозорларимизни тўқин, рўзгорини обод қилмоқда.

Ҳусан ЭЛТОЕВ.

Самарқанд шаҳридаги 1-меҳрибонлик уйи. Шаҳар марказида жойлашган кўркам маскан. Мўъжазгина боғи, ўйин майдонлари, дам олиш жойлари, катта-кичик бинолари бўлган каттагина ҳовли. Бу ҳовлида 100 нафарга яқин бола бир оила аъзоларидек яшайди. Мураббий ва тарбиячилардан сабоқ олади.

БОЛАГА БИР ЯХШИЛИГИМИЗ ЁН ЯХШИЛИК БЎЛИБ ҚАЙТАДИ

Одатда, Меҳрибонлик уйлари ҳақида гап кетганда кўпчилик бу масканларда ота-онасидан айрилган ёки улар томонидан ташлаб кетилган болалар таълим-тарбия олади, деб ўйлайди. Бунга узоқ йиллар “болалар уйи” ёки “детдом” деган тушунчалар сабаб шаклланган дунёқарашимиз, кўрган-кечирганларимиз асос бўлар

давлатимиз раҳбари бу борада янгича тизим жорий этилишини таъкидлади.

Юртимиздаги Меҳрибонлик уйлари ва Болалар шаҳарчаларида яшаётган болалар таълим-тарбиясига Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси масъул бўлиши белгиланди. Меҳрибонлик уйларидаги болаларни оилага яқин муҳитда тарбиялаш, оилавий



балки. Лекин бу ҳулосамиз унчалик ҳам тўғри эмас.

МЕХРИБОНЛИК УЙИ МАКТАБ ИНТЕРНАТ ЭМАС

- Иш фаолиятини 2010 йилда 6-меҳрибонлик уйида бошлаганман, - дейди Самарқанд шаҳридаги 1-Меҳрибонлик уйи директори Мавжуда Фахрутдинова. - Дастлабки кунлари болаларга қараб юрадим эзлиб, роса йиғладим. Қандай бағритош ота-оналарки қалб кўридан яралган боласини шундай муассасаларга ташлаб кетади, уларда юрак борми, деб ўзимга ўзим савол берардим. Ҳафтанинг охирига бориб, болалар анча камайиб қолди. Уларнинг ҳаммаси ҳам етим эмас экан, ота-оналари келиб, олиб кетишди ва душанба куни ана келтириб қўйишди. Ана ўшанда Меҳрибонлик уйидаги ҳамма болалар ҳам етим бўлмаслигини билганман. Шундан кейин ҳар бир боланинг оиласи билан қизикдим.

Ота-онаси бор болаларнинг уйига бориб, улар билан суҳбатлашдим. Нима сабабдан боласини Меҳрибонлик уйига берганини сўраганимда уларнинг кўпчилигидан “боламини “детдом”га эмас, мактаб-интернатга берганман” деган жавобни эшитганман. Бундай ота-оналарга Меҳрибонлик уйи ва мактаб-интернат нима эканлигини, бола оила муҳитида таълим-тарбия олиши муҳимлигини тушунтирганимиз. Шу тарзда 2011 йилда 67 нафар болани оиласи бағрига қайтардик. Ўша пайтда Самарқанд шаҳрида тўртта Меҳрибонлик уйи бўларди. Уларда тарбияланаётган болаларнинг маълумотларини таҳлил қилиб шунга ғувоҳ бўлганимизки, фақатгина чин етимлар ва ҳақиқатда шундай масканларда яшашга муҳтожларини ҳисоблаганимизда битта Меҳрибонлик уйи қифоя қиларди. Мана бугун шундай - Самарқандда битта бизнинг муассасамиз қолган. Лекин биздаги болаларнинг ҳам 6 нафаригина чин етим. 67 нафари ҳаётнинг турли зарбалари туфайли оиласи пароканда бўлган болалар, яъни ижтимоий етим. 19 нафари кам таъминланган оилалар фарзанди.

Фарзанд - оила қувончи, ота-она орзу-умиди. Ҳар бир бола ота-онаси меҳрини ҳис қилиб, оила бағрида улғайиши, ҳаётни таниши керак. Аммо ҳаётнинг паст-баланди, синовлари кўп. Турли сабаблар билан ота-онасиз, етим бўлиб қолган болаларга давлат томонидан эътибор ва ғамхўрлик кўрсатилади, уларнинг бошқа тенгдошларидан кам бўлмаг қамолга етишлари учун шарт-шароит яратилади. Аммо бу фақатгина боланинг моддий таъминоти, яъни еб-ичиши, кийим-кечагини таъминлаб қўйиш, дегани эмас. Унинг таълим-тарбияси, руҳияти, ҳаётда ўз йўлини топиши учун ҳам қайғуриш, меҳр-муҳаббат кўрсатиб улғайтириш керак.

БИРОРТА БОЛА “ЕТИММАН” ДЕБ ЎКСИНМАЙДИ

Жорий йилнинг 28 июль куни ногиронлиги бўлган, ота-она қарамоғидан маҳрум ва етим болаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашни кенгайтириш ҳамда ижтимоий нафақаларни тақомиллаштириш масалалари бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилишида

болалар уйлари ташкил этган ва етим болаларни ўз қарамоғига олган оилаларга бир қатор имтиёзлар берилиши таъкидланди.

Йиғилишда ота-онаси ёки қариндошлари бўла туриб Меҳрибонлик уйларида тарбияланаётган болаларни уларнинг оиласига моддий ёрдам бериш орқали яқинлари бағрига қайтариш мумкинлиги айтилди.

Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг янги тизимини жорий этишга оид бу каби чора-тадбирлар Президентимизнинг 9 август куни қабул қилинган иккита муҳим қарориди ўз аксини топди.

- Давлатимиз раҳбари томонидан ўтказилган йиғилиш ва қабул қилинган қарорлар юртимизда ҳаётнинг турли синовлари сабабли етим ёки ота-она қарамоғидан маҳрум бўлиб қолган болаларни баркамол инсонлар этиб

ўстириш, уларга давлат томонидан ғамхўрлик кўрсатишда янги даврни бошлаб берди, десак муболаға бўлмайди, - дея сўзида давом этади Мавжуда Фахрутдинова. - Икки ҳужжатда ҳам тизимни янги асосда ташкил этиш бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилди. Бирорта боланинг “мен етим ёки ногиронман” деб ўқсинмаслиги учун барча шарт-шароит яратилиши, уларнинг касб-хунар ўрганиши, олий маълумот олиши ва ишга жойлаштириш, уй-жой билан таъминлианишининг ҳуқуқий асослари яратилди.

Йиғилишдан сўнг, Миллий гвардия Самарқанд вилояти бошқармаси масъуллари келиб, муассасамиз фаолиятини ўрганди ва давлатимиз раҳбари томонидан белгилаб берилган вазифалар ижросига киришилди. Болалар таълим-тарбиясига масъул сифатида Миллий гвардиядан Жамшид Қўчқоров менга ўринбосар сифатида иш бошлади. Иккита психолог бириктирилди. Шу пайтгача иккита - шашка ва оғир атлетика тўғрагимиз бор эди, яна 7 та спорт тўғраклари фаолияти йўлга қўйилди ва бу машғулотларни ҳам Миллий гвардия ходимлари ўтмоқда. Республика Бош прокуратураси ва вилоят прокуратураси ёрдами билан миллий кураш тўғраги очилди. Болаларимиз учун зарур спорт жиҳозлари ва кийимлари олиб берилди.

Қисқа вақт давомида болаларимиз Миллий гвардия вилоят бошқармаси ва унинг тизимидаги спорт секцияларига, дала ўқув майдонига саёхатга олиб борилди. Ходимларнинг ўзлари келиб улар билан маърифий, спорт тадбирлари ўтказяпти.

Қисқа вақт давомида болаларимиз Миллий гвардия вилоят бошқармаси ва унинг тизимидаги спорт секцияларига, дала ўқув майдонига саёхатга олиб борилди. Ходимларнинг ўзлари келиб улар билан маърифий, спорт тадбирлари ўтказяпти.

Тарбияланувчиларнинг 60 нафари ўғил болалар бўлгани учун улар тарбиясида эркак кишининг ўрни жуда муҳим. Утган йил тажриба сифатида уч нафар эркак тарбиячини ишга қабул қилгандик. Бу болалар юриш-туриши,

тарбиясига ижобий таъсир кўрсатди. Шунинг учун Миллий гвардия ходимларининг биз билан ҳамкорликда ишлаши болаларимизнинг руҳан ва жисмонан етук инсонлар бўлиб улғайишига ёрдам беради.

21 НАФАР БИТИРУВЧИНИНГ 17 НАФАРИГА УЙ БЕРИЛАДИ

Меҳрибонлик уйида болалар 3 ёшдан 18 ёшгача таълим-тарбия олади. Мактабни битирганидан сўнг, улар турар жой билан таъминлиб, муастакил ҳаёт бошлайди.

- Болаларимиз кўпинча, ана шу дамда жамиятда ўз ўрнини топишга қийналади, - дейди Мавжуда Фахрутдинова. - Сабаби аксарияти олий ўқув юртига ўқишга киролмайди ёки кирганда ҳам ўқишга имконияти бўлмайди. Қўлида тайинли касб-хунари бўлмаганидан кейин буюм катта муаммо туғдиради. Энг ёмони уй-жой масаласи. Шу пайтгача уларга асосан, ётоқхонадан ҳаммасига битта кўп қаватли уйдан хоналар ажратиларди. Натжижада улар ана бошқалар билан муомала-муносабатга киришиш ўрнига ўз қобилигига ўрилиб қоларди. Энди, аввало, улар Меҳрибонлик уйида чоғида бирор касб-хунарга ўқитилади, олий ўқув юртида қўшимча давлат гранти асосида ўқийди, стипендиясига 50 фоиз қўшиб берилади. Ишга жойлашишда ҳам бир қатор имтиёزلарга эга бўлади. Энг муҳими, улар 18 ёшга тўлган йилда кўп квартирали уй-жойлардан бир хонали хонадонга эга бўлади. Бу хонадонларини ажратишда ҳам барча омиллар ҳисобга олинди.

Жорий йилда бизнинг муассасамизда яшаётган ёшларнинг 21 нафари мактабни битириб, олий ўқув юртига ўқишга кириш учун ҳужжат топширди. Ҳозирча, 7 нафарининг талаба бўлгани аниқ бўлди. Бошқаларига ҳам омад кулиб боқишга ишонамиз. Шу пайтгача 2 нафар битирувчимизга Самарқанд шахри



ва Жомбой туманидан уй ажратиб берилди. Яна 16 нафари 1 октябрга қадар ўз уйига эга бўлади. Тўрт нафар етим боланинг ота-онасидан қолган уй-жой борлиги сабабли уларга бу хонадонларни таъмирлашга ёрдам берилди.

ТАРБИЯЧИЛАР ОИЛАВИЙ БОЛАЛАР УЙИ ОЧМОҚЧИ

Меҳрибонлик уйи раҳбари Президент иштирокида ўтказилган видеоселектор йиғилишидан сўнг муассасанинг икки нафар тарбиячиси - М.Раҳимова ҳамда Ф.Нарзиева оилавий болалар уйи очиб, 5 нафардан ўғил-қизларни ўз тарбиясига олмақчи эканлигини айтди. Айни пайтда улар шу эзгу иш ҳаракатида экан.

Ҳа, яна бир гап. Ҳозирда муассасадан бола асраб олиш истагини билдириб, рўйхатда турганлар 200 нафарга яқинлигини айтишди. Бағрикенг, болажон халқмиз. Етимнинг бошини силаш, унга меҳр-оқибат кўрсатиш халқимизга хос юксак инсоний фазилатлардан саналади. Бир болага етти маҳалла - ота-она, деган гап ҳам бежиз айтилмаган. Шу юртда, жамиятда яшаётган ҳар бир боланинг, у кимнинг зурриёди бўлишидан қатъи назар, келажагига бефарқ бўлмай, унга меҳр-эътибор кўрсатсак, нафақат уларни турли ёт ғоялар таъсиридан асраган бўламыз, балки ёш авлод олдидаги инсоний бурчимизни ҳам адо этган бўламыз. Қолаверса, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, фарзандларимизга қилган ҳар бир яхшилигимиз ўн яхшилик бўлиб қайтади.

Ғ.ҲАСАНОВ, А.ИСРОИЛОВ (сурат)

“САМАРҚАНД АВТОМОБИЛЬ ЗАВОДИ”

масъулияти чекланган жамияти қўшма корхонаси жамоаси
юртимиз тараққиёти йўлида фидойилик кўрсатаётган
барча ватандошларимизни



МУСТАҚИЛЛИГИМИЗНИНГ 30 йиллиги

билан табриклайди.



Амалга ошираётган бунёдкорлик
ишларингизда омад ёр бўлсин!

Махсулотлар сертификатланган

“МАТБУОТ УЮШМАСИ” МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

юртдошларимизни энг улуг, энг азиз байрам –
мустақиллик байрами билан қутлайди.



Осмонимиз мусаффолиги, юртимиз тинчлиги,
ватанимиз мустақиллиги абадий бўлсин!

Хизматлар лицензияланган

Zarafshon

**САМАРҚАНДСКИЙ
ВЕСТИК**

MUASSIS:

«Zarafshon» va
«Самаркандский
вестник»
gazetalari tahririyati
mas'uliyati
cheklangan
jamiyati

Bosh muharrir: Farmon TOSHEV

Gazeta O'zbekiston matbuot va axborot
agentligining Samarqand viloyat matbuot va
axborot boshqarmasida 2012-yil 30-martda
09-01 raqam bilan ro'yxatga olingan.
Nashr 100. Indeks 438.
12 571 nusxada chop etildi. Buyurtma 606

Gazeta haftaning chorshanba va
shanba kunlari chiqadi.



Hajmi 2 bosma taboq, bichimi A-2

QABULXONA: (66) 233-91-51, **REKLAMA VA E'LONLAR:** (66) 233-91-56
BO'LIMLAR: (66) 233-91-57, 233-91-58, 233-91-59, 233-91-61

MANZILIMIZ: 140100, Samarqand shahri, Ulug' Tursunov ko'chasi, 80-uy,
Matbuot uyi.

Gazeta «Zarafshon» tahririyatining kompyuter bo'limida sahifalandi.
«Noshir lux» MCHJ bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Samarqand shahri, Spitamen ko'chasi, 270-uy.
Bosishga topshirish vaqti: soat 18:30 da. Bosishga topshirildi: soat 19:00

Navbatchi muharrir:
G'.HASANOV

Navbatchi:
D.TO'XTAYEV.

Sahifalovchi:
B.ABDULLAYEV.

Sotuvda narxi kelishilgan holda

ISSN-201667X



9 772010 1667009